



2016 йил «28» март

№ 226-У

**Бино-иншоотга мулк
ҳуқуқини бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига ҳамда Нуробод тумани “Ермулккадастр” Давлат корхонасининг 2014 йил 17 февралдаги 42-сонли маълумотномаси, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2016 йил 9 мартдаги 01-004-сонли маълумотномаси ва Н.Каримовнинг ёзган аризасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Каримов Нажмидин Салимович томонидан Нуробод тумани Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган жами майдони 486.32 квадрат метр шундан қурилиш ости майдони 435.49 квадрат метр бўлган туй ва маросимлар ўтказиш ҳамда ошхона биноларига мулк ҳуқуқи, эгаллаб турган ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.
2. Мулк ҳуқуқи берилган туй ва маросимлар ўтказиш ҳамда ошхона бинолари Каримов Нажмидин Салимовичнинг мулки деб тан олинсин ҳамда атрофида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва дарахт кўчатлари экиш вазифаси топширилсин.
3. Каримов Нажмидин Салимовичга мулк ҳуқуқи берилган бинода ёнғинга қарши, санитария-гигиеник талаб ва меъёрларига риоя қилиш, туман «Ермулккадастр» корхонасидан бир ой муддат ичида кадастр рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
4. Туман Давлат солиқ инспекцияси (В.Файзиёв)га Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинидаги Каримов Нажмидин Салимовичга тегишли бинолари белгиланган тартибда кадастр ҳужжатлари асосида солиққа тортиш вазифаси юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов